Kirish. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 30 dekabrda PF-46-son «Respublikada ko'kalamzorlashtirish ishlarini jadallashtirish, daraxtlar muhofazasini yanada samarali tashkil etish chora-tadbirlar to'g'risida»gi Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2009 yil 22 yanvardagi «O'zbekiston Respublikasi aholi punktlarini obodonlashtirishni yaxshilash yuzasidan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-1045-sonli Qarori tashqi ekologik muhitni muhofaza qilish va optimallashtirish uchun muhim ahamiyatga yega hisoblanadi.

Mavzuning dolzarbligi. Aholi soni ortishi bilan insoniyatning talabi ham oshib boradi. Jumladan urbanizatsiya darajasining ortishi aholini oziq-ovqat va turar joyga bo'lgan talabini oshirish bilan birga uning yashash sharoitida havo tarkibi ya'ni kislorodga bog'liq talabni ham oshiradi. Atrof-muhitni havosini o'simliklar yordami-

da optimizatsiyalash organizmni kislorod bilan ta'minlanish darajasini yaxshilanishiga olib keladi. Bu esa o'z navbatida o'sish va rivojlanishga ham ijobiy ta'sir etadi. Atrof-muhitda fotosintez jarayoni borishini ko'lamini kengaytirish, ko'kalamzorlashtirish jarayoni bilan ham bog'liq.

Tadqiqot maqsadi. *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, *Vinca minor* o'simliklar turlarida fotosintetik pigmentlar ko'rsatkichlari ya'ni xlorofill "a" va "b" hamda karotinoidlar miqdori nazorat va tajriba guruhlarida aniqlash va pigmentlar miqdoriga og'ir metallar ta'sirini aniqlash.

Tadqiqot usullari va materiallari. Tadqiqotlarda fotosintetik pigmentlar miqdorini aniqlashda spektrometriya usulidan foydalanildi.

O'simlikning tashqi muhit sharoitlariga chidamlilik darajasini baholash va o'z navbatida, mahalliy tuproq-iqlim sharoitlariga optimal darajada mos keluvchi turlarni tanlash amaliy

nuqtai nazardan dolzarb masalalardan biri bo'lib, bunda o'simlik barglari tarkibidagi fotosintetik pigmentlar (xlorofill, karotinoidlar) o'zgarish dinamikasi tahlili yekologik muhit, tuproq-iqlim sharoitlariga moslashish holatini baholashda muhim indikator hisoblanishi qayd qilingan [1;568].

Shu sababli tadqiqotlarning navbatdagi seriyasida og'ir metallar bilan turli xil darajada ifloslangan sharoitda o'suvchi *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, *Vinca minor* o'simliklari bargida fotosintetik pigmentlar miqdoriy ko'rsatkichlari tahlil qilindi (1-jadval).

Izoh: I. Samarqand davlat universiteti Botanika bog'i (Samarqand sh., Oliygo'chasi, 15-uy hududi); II. «Samarqandkimyo» AJ (Samarqand sh., Kimyogarlar posyolkasi); III. Samarqand shahri Rudakiy shoh ko'chasi (Ob-havo harorati $t=+38^{\circ}\text{S}$; havoning nisbiy namligi 45,6%). * – nazoratga nisbatan $r<0,05$, ** – $r<0,01$ ($n=3-4$).

Shunday qilib, tajribalarda nazorat guruhida (I. Samarqand davlat universiteti Botanika bog'i (Samarqand sh., Oliygo'chasi, 15-uy hududi) *Paulownia tomentosa* o'simligi bargida xlorofill «a», xlorofill «b», karotinoid miqdori va «a»/«b» ko'rsatkich qiymati mos ravishda – $0,73\pm 0,02$ mg/g, $0,68\pm 0,09$ mg/g, $0,65\pm 0,02$ mg/g va 1,07, tajriba guruhlarida (II. «Samarqandkimyo» AJ (Samarqand sh., Kimyogarlar posyolkasi hududi); III. Samarqand shahri Rudakiy shoh ko'chasi atrofi) mazkur ko'rsatkichlar qiymati mos ravishda – $0,64\pm 0,05$ mg/g, $0,57\pm 0,04$ mg/g, $0,62\pm 0,03$ mg/g va 1,12 hamda $0,69\pm 0,06$ mg/g, $0,63\pm 0,07$ mg/g, $0,58\pm 0,08$ mg/g va 1,08 ga tengligi aniqlandi.

Nazorat guruhida (I. Samarqand davlat universiteti Botanika bog'i (Samarqand sh., Oliygo'chasi, 15-uy hududi) *Chitalpa tashkentensis* o'simligi bargida xlorofill «a», xlorofill «b», karotinoid miqdori va «a»/«b» ko'rsatkich qiymati mos ravishda – $0,64\pm 0,03$ mg/g, $0,55\pm 0,02$ mg/g, $0,52\pm 0,01$ mg/g va 1,16, tajriba guruhlarida (II. «Samarqandkimyo» AJ

(Samarqand sh., Kimyogarlar posyolkasi hududi); III. Samarqand shahri Rudakiy shoh ko'chasi atrofi) mazkur ko'rsatkichlar qiymati mos ravishda – $0,53\pm 0,03$ mg/g, $0,34\pm 0,02$ mg/g, $0,47\pm 0,01$ mg/g va 1,56 hamda $0,46\pm 0,02$ mg/g, $0,37\pm 0,01$ mg/g, $0,43\pm 0,05$ mg/g va 1,24 ga tengligi aniqlandi.

Shuningdek, nazorat guruhida (I. Samarqand davlat universiteti Botanika bog'i (Samarqand sh., Oliygo'chasi, 15-uy hududi) *Vinca minor* o'simlik turi bargida xlorofill «a», xlorofill «b», karotinoid miqdori va «a»/«b» ko'rsatkich qiymati mos ravishda – $0,82\pm 0,06$ mg/g, $0,74\pm 0,07$ mg/g, $0,61\pm 0,05$ mg/g va 1,11, tajriba guruhlarida (II. «Samarqandkimyo» AJ (Samarqand sh., Kimyogarlar posyolkasi hududi); III. Samarqand shahri Rudakiy shoh ko'chasi atrofi) mazkur ko'rsatkichlar qiymati mos ravishda – $0,78\pm 0,05$ mg/g, $0,34\pm 0,02$ mg/g, $0,71\pm 0,04$ mg/g, $0,53\pm 0,06$ mg/g, $1,09$ va hamda $0,75\pm 0,03$ mg/g, $0,67\pm 0,07$ mg/g, $0,56\pm 0,04$ mg/g va 1,12 ga tengligi aniqlandi.

Olingan natijalar (nazorat guruhi) qiymatlari mavjud adabiyot ma'lumotlariga mos keladi [2; 220-226; 3; 1035-1047].

Tadqiqotlarda *Paulownia tomentosa* bargida gaz almashinuvi, fotosintez jarayoni mexanizmi batafsil o'rganilgan bo'lib, *Paulownia tomentosa*×*fortunei*; *Paulownia* *elongata*×*fortunei* gibridlarida Cd ta'sirida fotosintetik fermentlar faolligi susayishi qayd qilingan [4; 139 -144; 5; 147-156; 6; 303-310].

Paulownia tomentosa o'simligi As, Cd, Zn, Pb uchun “giperakkumulyator” hisoblanishi bilan birga, og'ir metallar o'simlikda fotosintez, o'sish-rivojlanish ko'rsatkichlarini susaytiruvchi ta'sir ko'rsatishi aniqlangan [7; 1916-1922.; 8; 643-654].

Shunday qilib, tadqiqotlarda II tajriba guruhi («Samarqandkimyo» AJ (Samarqand sh., Kimyogarlar posyolkasi hududi) va III tajriba guruhida (Samarqand shahri Rudakiy shoh ko'chasi atrofi) *Paulownia tomentosa* o'simlik turi bargida xlorofill «a», xlorofill «b» va

1-jadval

Og'ir metallar bilan turli xil darajada ifloslangan sharoitda o'suvchi *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, *Vinca minor* o'simliklari bargida fotosintetik pigmentlar miqdoriy ko'rsatkichlari (mg/g) ($M\pm m$)

T/r	O'simlik turlari	Konsentrasiya (mg/g)			«a»/«b»
		Xlorofill «a»	Xlorofill «b»	Karotinoid	
I (Nazorat)					
1	<i>Paulownia tomentosa</i>	$0,73\pm 0,02$	$0,68\pm 0,09$	$0,65\pm 0,02$	1,07
2	<i>Chitalpa tashkentensis</i>	$0,64\pm 0,03$	$0,55\pm 0,02$	$0,52\pm 0,01$	1,16
3	<i>Vinca minor</i>	$0,82\pm 0,06$	$0,74\pm 0,07$	$0,61\pm 0,05$	1,11
II (Tajriba)					
1	<i>Paulownia tomentosa</i>	$0,64\pm 0,05$	$0,57\pm 0,04$	$0,62\pm 0,03$	1,12
2	<i>Chitalpa tashkentensis</i>	$0,53\pm 0,03$	$0,34\pm 0,02$	$0,47\pm 0,01$	1,56
3	<i>Vinca minor</i>	$0,78\pm 0,05$	$0,71\pm 0,04$	$0,53\pm 0,06$	1,09
III (Tajriba)					
1	<i>Paulownia tomentosa</i>	$0,69\pm 0,06$	$0,63\pm 0,07$	$0,58\pm 0,08$	1,08
2	<i>Chitalpa tashkentensis</i>	$0,46\pm 0,02$	$0,37\pm 0,01$	$0,43\pm 0,05$	1,24
3	<i>Vinca minor</i>	$0,75\pm 0,03$	$0,67\pm 0,07$	$0,56\pm 0,04$	1,12

karotinoid miqdori nazorat guruhiga nisbatan mos ravishda – 12,33±0,4%, 16,18±0,6%, 4,62±0,4% hamda 5,48±0,2%, 7,35±0,5%, 10,77±0,4% ga kamayishi aniqlandi. Shuningdek, II va III tajriba guruhida nazorat guruhiga nisbatan «a»/«b» ko'rsatkich qiymati mos ravishda – 1,05 va 1,01 martaga ortishi aniqlandi.

II va III tajriba guruhida *Chitalpa tashkentensis* o'simligi bargida xlorofill «a», xlorofill «b» va karotinoid miqdori nazorat guruhiga nisbatan mos ravishda – 17,18±0,2%, 38,18±0,9%, 9,62±0,3% hamda 28,13±0,4%, 32,73±0,8%, 17,31±0,7% ga kamayishi aniqlandi. Shuningdek, II va III tajriba guruhida nazorat guruhiga nisbatan «a»/«b» ko'rsatkich qiymati mos ravishda – 1,34 va 1,07 martaga ortishi aniqlandi.

II va III tajriba guruhida *Vinca minor* o'simlik turi bargida xlorofill «a», xlorofill «b» va karotinoid miqdori nazorat guruhiga nisbatan mos ravishda – 4,88±0,1%, 4,05±0,3%, 13,11±0,4% hamda 8,54±0,2%, 9,84±0,4%, 8,2±0,3% ga kamayishi aniqlandi. Shuningdek, II guruhida nazorat guruhiga nisbatan «a»/«b» ko'rsatkich qiymati 1,02 ga kamayishi va III tajriba guruhida nazorat guruhiga nisbatan 1,01 martaga ortishi aniqlandi.

Tadqiqotlarda og'ir metallar o'simlikda suv rejimi, ustisa apparati, gaz almashinuvi disfunktsiyasi [9;259-268], fotosintetik pigmentlar faolligi susayishi [10; 404-772], biologik membranalar funksiyasi buzilishiga olib kelishi qayd qilingan [11;766-772].

Shuningdek, aynan fotosintez jadalligi *Paulownia* L. o'simlik turining tez biomassa hosil qilish xususiyatini belgilab berishi qayd qilingan bo'lib, og'ir metallar ta'sirida *Paulownia tomentosa* (Thunb.) Steud. o'simligida biokimyoviy reaksiyalar faolligi, o'z navbatida fotosintetik apparatda xlorofill sintezi susayishi mumkinligi aniqlandi [8;643-654-b.; 12;4-174].

Paulownia tomentosa vegetativ organlarida Zn yuqori konsentratsiyada to'planishi, o'z navbatida barglarda fotosintez faolligini susaytirishi

aniqlandi.

Paulownia tomentosa × *fortunei* gibril liniyasida ayrim og'ir metallarning (Cd, Pb, Zn) fotosintetik apparat funksional ko'rsatkichlari, shuningdek antioksidant tizimga ta'siri tahlil qilingan. Bunda og'ir metallar o'simlik ildizida nisbatan yuqori konsentratsiyada to'planishi, og'ir metallar ta'sirida o'simlikning umumiy quruq biomassasi qiymati, ustisa aparatining o'tazuvchanlik xususiyati, transpiratsiya jadalligi, suv rejimi ko'rsatkichlari sezilarli darajada susayishi, biroq fotosintetik apparat funksional ko'rsatkichlari, antioksidant tizim faolligi yuqoriligi saqlanishi aniqlangan.

Aynan ushbu nuqtai nazardan, olingan natijalar tahlili asosida og'ir metallar bilan turli xil darajada ifloslangan tuproqlar sharoitida o'suvchi *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, *Vinca minor* o'simlik turlari bargida fotosintetik pigmentlar miqdoriy ko'rsatkichlari dinamikasi barqarorligi mazkur turlardan foydalanish istiqbollari belgilab berishi mumkin.

Xulosalar

Amalga oshirilgan tadqiqot natijalari tahlili asosida, nazorat guruhiga nisbatan tajriba guruhlarida *Paulownia tomentosa* o'simlik turi bargida xlorofill «a», xlorofill «b», karotinoid miqdori va «a»/«b» ko'rsatkich qiymati keng spektrda o'zgarishligi qayd qilindi.

Shuningdek, nazorat guruhiga nisbatan tajriba guruhlarida o'simlik turi bargida xlorofill «a», xlorofill «b», karotinoid miqdori va «a»/«b» ko'rsatkich qiymati *Chitalpa tashkentensis* o'simlik turida sezilarli darajada o'zgarishi kuzatildi.

Vinca minor o'simlik turida yesa mazkur tahlil qilinayotgan ko'rsatkichlar qiymati nazorat guruhiga nisbatan tajriba guruhlarida eng kam darajada o'zgarishi qayd qilindi.

Bu holat mazkur o'simlik turlarida fotosintetik apparat funksional faolligining noqulay tashqi abiotik omil ta'siriga chidamlilik darajasi yuqoriligi bilan bog'liqligi tahlil qilindi.

ADABIYOTLAR

- 1.Zhou Q.X., Song Y.F. Principles and methods of contaminated soil remediation // «Science Press» (Beijing), 2004. – P.568.
- 2.Magar L.B., Khadka S., Pokharel U., Rana N., Thapa P., Khadka U., Joshi J.R., Sharma K.R., Thapa G., Marasini B.P., Parajuli N.Total biomass carbon sequestration ability under the changing climatic condition by *Paulownia tomentosa* Steud. // Int. J. Appl. Sci. Biotechnol. – 2008. – V.6(3). – P.220-226.
- 3.Kobayashi S., Asai T., Fujimoto Y., Kohshima S. Anti-herbivore structures of *Paulownia tomentosa*: Morphology, distribution, chemical constituents and changes during shoot and leaf development // Annals of Botany. – 2008. – V.101. – P.1035-1047.
4. Yelias T.S., Wisura W. ×*Chitalpa tashkentensis* (*Bignoniaceae*), an intergeneric hybrid of ornamental value // Bailey. – 1991. – V.23. – R.139-144.
- 5.Shtereva L. Micropropagation of six *Paulownia* genotypes through tissue culture Mikrorazmnojavane na shest genotipa *Paulownia* // Journal of Central European Agriculture. – 2014. – V.15(4). – P.147-156.
- 6.Marsotrigiano M., Stimart D.R. *In vitro* organogenesis and shoot proliferation of *Paulownia tomentosa* Steud. (Yemress tree) // Plant Science Letters. – 1983. – V.31. – P.303-310.
- 7.Wang J., Li W., Zhang C., Ke S. Physiological responses and detoxification mechanisms to Pb, Zn, Cu and Cd in young seedlings of *Paulownia fortunei* // Journal of Environmental Sciences (China). – 2010. – V.22(12). – P.1916-1922.
- 8.Baker A.J.M. Accumulators and excluders strategies in the response of plants to heavy metals // J. Plant Nutr. – 1981. – V. 3(1/4). – P.643-654.

9. Rahman A., Rahman F., Rahmatullah M. *In vitro* regeneration of *Paulownia tomentosa* Steud. plants through the induction of adventitious shoots in explants derived from selected mature trees, by studying the effect of different plant growth regulators // *American-Eurasian Journal of Sustainable Agriculture*. – 2013. – V.7(4). – P.259-268.
10. Anderson C.W.N., Brooks R.R., Chiaucci A., La Cost C.J., Leblance M., Robinson B.H., Simack R., Stewart R.B. Phytomining for nickel, thallium and gold // *J. Geochem. Yexplo.* – 1999. – V.67. – P.407-415.
11. Hofman J., Wuyts K., van Wittenberghe S., Samson R. On the temporal variation of leaf magnetic parameters: seasonal accumulation of leaf-deposited and leaf-encapsulated particles of a roadside tree crown // *Science of the Total Environment*. – 2014. – V.3. – R.766-772.
12. Longbrake A.C.W. Ecology and invasive potential of *Paulownia tomentosa* (*Scrophulariaceae*) in a Hardwood forest landscape // In partial fulfillment of the requirements for the degree Doctor of Philosophy (A dissertation presented to the faculty of the College of Arts and Sciences of Ohio University). – 2001. – P.4-174.

Og'ir metallar bilan turli darajada ifloslangan sharoitda *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, *Vinca minor* o'simliklarining bargida fotosintetik pigmentlar miqdoriy ko'rsatkichlari tahlili
Mamadiyarov M.U.¹, Matjanova X.K.², Ermatova V.B.³, Attokurov K.Sh.³

¹O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti, Toshkent, ²O'zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasi Qoraqalpog'iston bo'limi Qoraqalpog' tabiiy fanlar ilmiy-tadqiqot instituti, Nukus, ³Qirg'iziston Respublikasi Ush davlat universiteti

Maqolada *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, *Vinca minor* o'simlik turlarida fotosintetik pigmentlar ko'rsatkichlari ya'ni xlorofill "a" va "b" hamda karotinoidlar miqdori nazorat guruhida va ikkita tajriba guruhlarida tahlil qilingan. Nazorat guruhida xlorofill "a" va "b" hamda karotinoidlar miqdori tajriba guruhlariga nisbatan yuqori ekanligi spektrofotometriya usulida aniqlandi. *Vinca minor* turida fotosintetik pigmentlar miqdori qolgan ikkala o'simlik turiga ya'ni *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis* nisbatan yuqoriligi ushbu o'simlik turida fotosintetik apparatni tashqi muhitga adaptatsiyalanish xususiyati yuqori ekanligini ko'rsatib turibdi. Og'ir metallardan mishyak, kadmiy, rux, qo'rg'oshin kabilar ayniqsa fotosintez jarayoniga sezilarli darajada ta'sir etishi ilmiy tadqiqotlarda o'rganilgan. Kadmiy miqdori ortishi fotosintez pasayishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Albatta, bu metallarni ma'lum bir chegara miqdorlari bo'lib, shu miqdordan oshganda fotosintetik apparat faoliyati va fotosintez bilan bog'liq jarayonlarga salbiy ta'sir etadi. Jumladan, tashqi muhitda keng tarqalgan rux va qo'rg'oshin elementlari o'simlik barglarida fotosintez jarayoni susayishiga olib keladi. Fotosintez jarayonining susayishi, hujayralardagi moddalar almashinuvi va biosintez jarayonlarini susayishi bilan namoyon bo'ladi. Jumladan, oqsillar biosintez sezilarli darajada susayishi tadqiqotlardan bizga ma'lum. Ushbu o'simlik turlari tashqi muhit havosini optimallashtirishda ham muhimligi bu turlarni muhim ahamiyatga egaligini belgilab beradi.

Анализ количественных показателей фотосинтетических пигментов в листьях растений *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis* и *Vinca minor* в условиях различного уровня загрязнения тяжелыми металлами
Мамадияров М.У.¹, Матжанова Х.К.², Эрматова В.Б.³, Аттукуров К.Ш.³

¹Узбекско-Финляндский педагогический институт, Ташкент, ²Каракалпакский научно-исследовательский институт естественных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, Нукус, ³Ошский государственный университет Кыргызской Республики

В статье проанализированы параметры фотосинтетических пигментов хлорофилла «а» и «б» и количество каротиноидов в растениях павловнии войлочной, читалпы ташкентской и барвинка минорного в контрольной группе и в двух опытных группах. Спектрофотометрически установлено, что количество хлорофиллов «а» и «б» и каротиноидов в контрольной группе было выше, чем в опытных группах. Количество фотосинтетических пигментов у барвинка минорного было выше по сравнению с двумя другими видами растений, то есть павловния войлочная, читалпа ташкентская показывает, что устройство обладает высокой приспособляемостью к внешней среде. В научных исследованиях было изучено, что тяжелые металлы, такие, как мышьяк, кадмий, цинк и свинец существенно влияют на процесс фотосинтеза. Увеличение количества кадмия оказывает существенное влияние на снижение фотосинтеза. Конечно, эти металлы известны. Существует предельное количество, увеличение которого отрицательно влияет на деятельность фотосинтетического аппарата и процессы, связанные с фотосинтезом. В том числе элементы цинка и свинца, широко распространенные во внешней среде, вызывают в растении процесс фотосинтеза. Из исследований известно, что биосинтез белков значительно снижается.

Quantitative analysis of photosynthetic pigments in the leaves of *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, and *Vinca minor* under conditions of different levels of heavy metal pollution
Mamadiyarov M.U.¹, Matjanova X.K.², Yermatova V.B.³, Attokurov K.Sh.³

¹Uzbekistan-Finland Pedagogical Institute, Tashkent, ²Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan Karakalpak Scientific Research Institute of Natural Sciences, Nukus, ³Ush State University of the Kyrgyz Republic

In the article, the parameters of photosynthetic pigments, i.e., chlorophyll "a" and "b" and the amount of carotenoids in *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis*, and *Vinca minor* plants were analyzed in the control group and in two experimental groups. It was determined by spectrophotometry that the amount of chlorophyll "a" and "b" and carotenoids in the control group was higher than that of the experimental groups. The amount of photosynthetic pigments in *Vinca minor* was higher compared to the other two types of plants, i.e. *Paulownia tomentosa*, *Chitalpa tashkentensis* shows that the device has a high adaptability to the external environment. Heavy metals such as arsenic, cadmium, zinc, and lead have been studied in scientific studies to significantly affect the process of photosynthesis. An increase in the amount of cadmium has a significant effect on the decrease in photosynthesis. Of course, these metals are known there is a limit amount, and when it exceeds this amount, it negatively affects the activity of the photosynthetic apparatus and the processes related to photosynthesis. Including zinc and lead elements, which are widely distributed in the external environment, cause the photosynthesis process in plant leaves to slow down. Photosynthesis is manifested by the slowing down of the process, metabolism and biosynthesis processes in cells. We know from research that the biosynthesis of proteins is significantly reduced. The importance of these types of plants in optimizing the outdoor air determines the importance of these species.

ТУПРОҚ НАМЛИГИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ ҒЎЗА БАРГЛАР ТЎКИЛИШИГА ТАЪСИРИ

Алланазаров С.Р.¹, Кудайбергенова Н.П.²

¹Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тошкент шаҳри

²Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Нукус шаҳри

Ғўза биологиясидан маълумки, ғўза барглариининг тўкилиши табиий ҳолда ҳам содир бўлади. Лекин, бу ўта секин содир бўладиган жараён бўлиб, кеч кузгача давом этади. Бунда аввал ғўзанинг пастки ярусидан биринчи пайдо бўлган баргларида қариш кузатилиб, секин тўкила бошлайди. Бу табиий барг тўкилиши пахтачиликда хўжалик жиҳатдан умуман аҳамиятсиз ҳисобланади. Чунки, таъкидланганидек, табиий тўкилиш жуда кеч содир бўлиб, совуқли кунларгача чўзилади. Шунинг учун ғўза дефолиацияси орқали барг тўкилишини сунъий равишда содир етиб, кўсақларнинг очирилигини тезлаштириш хўжалик-иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, бу олимлар томонидан илмий асосланган.

Маълумки, ғўза барглариининг сунъий тўктиришда дефолиантларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Дефолиантларнинг самарали таъсир этишига дефолиация ўтказиш давридаги об-ҳаво шароити, тупроқ намлиги бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Академик А.Имомалиевнинг (1969) маълум қилишича, ғўза барглариининг тўкилиши мураккаб физиологик жараён бўлиб, ғўза барглари табиий тўкилишидан олдин барг бандида ажратувчи қатламнинг ҳосил бўлиши ташқи омиллар таъсирига ўсимликнинг жавоб реакциясидир. Бундан ташқари ўсимликнинг морфобиологик ҳолати, барглариининг ёши, барг сони ва барглариининг табиий тўкилиш хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Барглариининг табиий тўкилиши ҳаво ва тупроқ ҳарорати ҳамда намлигига ҳам бевосита боғлиқдир [1; 307].

Ш.Ж. Тешаев, О.Х. Синдаров, Ф.Ж. Тешаевлар дефолиация самарадорлигига бажариладиган агротехник тадбирларнинг таъсирини аниқлаш бўйича олиб борган илмий изланишларида, турли тартибларда суғориш, озиклантириш ва кўчат қалинлигига қараб табақалаштирган ҳолда дефолиация ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаган. Ўтказилган тадбирларнинг барг сатҳига бевосита таъсир этганлиги туфайли дефолиантлар меъёрини ғўзанинг биологик етилганлигига қараб белгилаш кераклиги таъкидлаб ўтилган [2; 235-240].

Р.Очилов, М.Тўраевларнинг таъкидлашича, дефолиация пайтида ҳавонинг ҳароратига

ҳамда ишлов бериладиган пахта даласининг тупроқ намлигига ҳам эътибор бериш лозим. Маълумки, дефолиантларнинг кўпчилиги ҳавонинг ҳарорати 20⁰С ва ундан баланд бўлганда тупроқ намлиги эса ЧДНС га нисбатан 65-68 % бўлганда яхши самара бериб, фақат АҚШнинг “ФМС” фирмасида ишлаб чиқарилган Ривет 24% э.к ва Швейцариянинг “Сингета” фирмаси маҳсулоти 15 % сувли эритма ҳолидаги Реглон супер препаратлари ҳамда хлоратли тузлар асосидаги дефолиантлар (Сардор, Хлорат магний, Садаф, Саҳоват, Сихат) ҳавонинг суткалик ўртача ҳарорати 17⁰С гача пасайганда ҳам юқори самарадорлик кўрсата олади [3].

Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олган ҳолда тупроқ намлигига боғлиқ равишда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида дефолиантларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Ўтказилган тадқиқотларда ўрганилаётган маҳаллий Фанбарака, Фанкалцийдеф ва Хим-экстра дефолиантларининг ўрта толали ЎзПИТИ-103 ғўза нави барглари тўкилишига таъсири аниқланиб, бу бўйича дефолиациядан сўнг 6 ва 12 кун ўтгандан сўнг махсус фенологик кузатувлар ўтказилди.

Дала тажрибалари ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) ва «Ғўза дефолиантларини синаш бўйича услубий кўрсатмалар» (2004) қўлланмалари асосида олиб борилди [4, 5].

Ўрта толали ЎзПИТИ-103 ғўза навида олиб борилган тадқиқотларда тупроқ намлиги 50-55% бўлганда дефолиация ўтказилиши режалаштирилган фоннинг назорат вариантыда дефолиациядан 12 кун ўтгач барглариининг табиий тўкилиши 15,2%ни, яшил барглари эса 82,5%ни ташкил қилганлиги аниқланди. Фанбарака дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 12 кундан сўнг тўкилган барглари сони 82,5%ни ташкил етиб, ғўза тупида 0,4 % қуриган ва 1,9 % ярим қуриган барглари сақланиб қолганлиги маълум бўлди.

Фанкалцийдеф дефолианти 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 12 кун ўтгач тўкилган барглари сони 73,0%ни, қуриган барглари сони 12,3%ни ва ярим қуриганлари 7,9

% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Ушбу тупроқ намлигида Хим-экстра дефолианти 150,0 мл/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 12 кундан кейин эса ғўза тупида 12,1% барглар яшил, қолган барглар 5,8-14,6 % куриган ва ярим куриган ҳолда сақланиб, 67,5% барглар тўкилганлиги кузатилди.

Таъкидлаш керакки, 50-55% тупроқ намлигида Фанкалцийдеф дефолианти 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу тупроқ намлигида Фанбарака дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда энг кам барг тўкилиши кузатилди.

Тупроқ намлиги 60-65% бўлганда дефолиация ўтказилиши режалаштирилган фоннинг назорат вариантыда дефолиациядан 12 кундан сўнг тўкилган барглар сони 12,4% ни ташкил етиб, ғўза тупида 0,2% ярим куриган, 87,4% яшил барглар сақланганлиги кузатилди (1-расм).

Фанбарака дефолианти 7,0 л/га ҳамда Фанкалцийдеф дефолианти 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда эса дефолиациядан 12 кундан сўнг баргларнинг тўкилиш даражаси 86,5-83,6 % ни, куриганлари 3,1-5,6 % ни ва ярим куриганлари 5,6-6,9% ни ташкил етди.

Ушбу фонда яъни тупроқ намлиги 60-65% бўлганда энг юқори кўрсаткич Хим-экстра дефолиантини 150 мл/га меъёрда қўлланилган вариантда олиниб, ишлов берилгандан 12 кун ўтгач кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ғўза тупида 0,9-4,7% куриган ва ярим куриган барглар сақланиб қолиниб, 89,3% барглар тўкилиб кэтганлиги маълум бўлди. Шуни


айтиш керакки, ушбу муддатда маҳаллий Фанбарака ва Фанкалцийдеф дефолиантларига нисбатан ғўза баргларининг тўкилиши 2,8-5,7% га юқорирок бўлди.

Тупроқ намлигининг учинчи фонда яъни, тупроқ намлиги 70-75% бўлган дефолиация ўтказилиши режалаштирилган фоннинг назорат вариантыда дефолиациядан 12 кундан сўнг ғўза баргларининг табиий тўкилиши 10,9 % ни ташкил етиб, қолган 89,1% барглар тупда яшил ҳолича қолганлиги маълум бўлди. Бу фонда Фанбарака дефолианти 7,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 6 кун ўтгач ғўза тупида 35,7 % яшил, 16,0% куриган ва 11,8% ярим куриган барглар сақланиб, тўкилган барглар сони 25,2 % ни ташкил этган бўлса, кузатувларнинг 12-кунда тўкилган барглар сони 83,9% ни, куриганлари 3,1% ни ва ярим куриганлари 7,8% ни ташкил этганлиги аниқланди.

Янги ўрганилаётган Фанкалцийдеф дефолианти 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда дефолиациядан 12 кунда тўкилган барглар сони 80,3% ни, куриганлари 2,8% ни ва ярим куриганлари 10,1% ни ташкил этганлиги кузатилди.

Шунингдек, Хим-экстра дефолианти 150,0 мл/га меъёрда қўлланилган вариантда кузатувларнинг 12-кунга келиб, тўкилган барглар сони 84,8% ни, куриганлари 0,3% ни ва ярим куриганлари 1,4% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ЎзПИТИ-103 ғўза навида тупроқ намлиги 60-55% атрофида бўлганда дефолиантлар таъсирчанлиги юқори бўлиб, ғўзага юмшоқ таъсир этувчи Хим-экстра дефолиантини



1-расм. Тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда дефолиантларнинг ғўза барглар тўкилишига таъсири.

қўллаш мақбул эканлиги, тупроқ намлиги 50-55% атрофида бўлганда эса ғўзага ярим юмшоқ таъсир этувчи Фанкалцийдеф дефолиантини қўллаш юқори самара бериши

кузатилди ва ушбу вариантларда назоратга нисбатан барглар тўкилиши 76,9-57,8% га юқори бўлганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Имамалиев А.И. Дефолианты и их физиологические действия на хлопчатник. – Ташкент: Фан, 1969. - 307 с.
2. Тешаев Ш.Ж., Синдаров О.Х., Тешаев Ф.Ж. Дефолиация самарадорлигига суғориш, озиклантириш тартиблари ва қўчат қалинликларининг боғлиқлиги//Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш. Республика илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 235-240-бб.
3. Очилов Р., Тоъраев М. Ғўза дефолиациясига ҳамда дефолиантлар ёрдамида пахта толасининг елимлашини олдини олишга доир тавсиялар. – Тошкент. 2003. - 20 б.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007. – 147 б.
5. Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент: Давлат кимё комиссияси, 2004. – 12 б.

Тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилишига таъсири Алланазаров С.Р.¹, Кудайбергенова Н.П.²

¹Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тошкент,
²Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Нукус

Мақолада дефолиациядан олдин тупроқ намлигига боғлиқ равишда турли дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилишига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган. Дефолиациядан олдин тупроқ намлиги 50-55; 60-65 ҳамда 70-75% бўлганда Фанбарака, Фанкалцийдеф ва Хим-экстра дефолиантларининг ўрта толали ЎзПТИ-103 ғўза нави барглари тўкилишига таъсири аниқланган. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича янги ўрганилаётган Фанкалцийдеф дефолианти 6,0 л/га меъёردа қўлланилган вариантда дефолиациядан 12 кунда тўкилган барглари сони 80,3% ни, қуриганлари 2,8% ни ва ярим қуриганлари 10,1% ни ташкил этганлиги кузатилган. Шунингдек, Хим-экстра дефолианти 150,0 мл/га меъёрдa қўлланилган вариантда кузатувларнинг 12-кунига келиб, тўкилган барглари сони 84,8% ни, қуриганлари 0,3% ни ва ярим қуриганлари 1,4% ни ташкил этганлиги қайд этилган. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ЎзПТИ-103 ғўза навида тупроқ намлиги 60-55% атрофида бўлганда дефолиантлар таъсирчанлиги юқори бўлиб, ғўзага юмшоқ таъсир этувчи Хим-экстра дефолиантини қўллаш мақбул эканлиги, тупроқ намлиги 50-55% атрофида бўлганда эса ғўзага ярим юмшоқ таъсир этувчи Фанкалцийдеф дефолиантини қўллаш юқори самара беришини кузатилди ва ушбу вариантларда назоратга нисбатан барглари тўкилиши 76,9-57,8% га юқори бўлганлиги аниқланган.

Влияние дефолиантов на опадение листа хлопка в зависимости от влажности почвы Алланазаров С.Р.¹, Кудайбергенова Н.П.²

¹Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопчатника, Ташкент,
²Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий, Нукус

В статье представлены данные о влиянии различных дефолиантов на опадение листьев хлопчатника в зависимости от влажности почвы до дефолиации. Влажность почвы перед дефолиацией составляет 50-55; 60-65 и 70-75%, определено влияние дефолиантов Фанбарака, Фанкалцийдеф и Хим-экстра на опадение листьев средневолокнистого сорта хлопчатника УзПТИ-103. По результатам исследований отмечено, что количество опавших листьев на 12-е сутки после дефолиации составило 80,3%, сухих — 2,8% и полусухих листьев 10,1% в варианте с применением вновь изученного дефолианта Фанкалцийдеф, норма 6,0 л/га. Также в случае применения дефолианта Хим-экстра из расчета 150,0 мл/га к 12 дню наблюдений количество опавших листьев составило 84,8%, сухих - 0,3%, полусухих - 1,4%. В заключение следует отметить, что у сорта хлопка УзПТИ-103 эффективность дефолиантов высокая при влажности почвы около 60-55%. Высокая эффективность применения дефолианта отмечена и установлено опадение листьев. На 76,9-57,8% выше в этих вариантах по сравнению с контролем.

The effect of defoliant on cotton leaf drop depending on soil moisture Allanazarov S.R.¹, Kudaybergenova N.P.²

¹Scientific-research Institute of Agrotechnologies of Cotton Selection Seed breeding and Cultivation, Tashkent,
²Karakalpakstan Institute of Agriculture and Agrotechnologies, Nukus

This paper presents data on the effect of different defoliant on cotton leaf shedding as a function of soil moisture prior to defoliation. Soil moisture before defoliation is 50-55; 60-65 and 70-75%, the effect of Fanbaraka, Fankaltsiydef and Khim-extra defoliant on the shedding of leaves of medium-fiber cotton variety UzPITI-103 was determined. According to the results of the research, it was observed that the number of fallen leaves on the 12 th day after defoliation was 80,3%, 2,8% dry and 10,1% semi-dry leaves in the version where the newly studied Fankaltsiydef defoliant was applied at the rate of 6,0 l/ha. Also, in the case where Khim-extra defoliant was applied at the rate of 150,0 ml/ha, by the 12 th day of observations, the number of fallen leaves was 84,8%, dry ones were 0,3%, and semi-dry ones were 1,4%. In conclusion, it should be noted that in the UzPITI-103 cotton variety, the effectiveness of defoliant is high when the soil moisture is around 60-55%. Application of defoliant was observed to be highly effective and it was found that leaf shedding was 76,9-57,8% higher in these variants compared to the control.

АНТРОПОГЕННАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ ДРЕВЕСНО-КУСТАРНИКОВОЙ РАСТИТЕЛЬНОСТИ НИЗОВЬЕВ АМУДАРЬИ

Мамутов Н.К.¹, Утениязова У.Ж.²

¹Каракалпакский государственный университет им. Бердаха, г. Нукус

²Нукусский государственный педагогический институт им. Ажинияза

В настоящее время природная среда дельты реки Амударьи резко отличается от других регионов повышенной динамичностью, развитием таких негативных процессов, как опустынивание и аридизация территории. Эти процессы вызваны, с одной стороны, резким увеличением водозабора из реки и регулированием ее стока, высыханием Аральского моря, с другой - возрастающим прямым и косвенным антропопрессингом и изменением естественных климатических условий, что в совокупности обусловило изменения в составе, структуре и динамике, а также биоразнообразии фитоценозов древесно-кустарниковой растительности низовьев Амударьи [1, 5, 7, 9].

На основе многолетних исследований динамики тугайной растительности низовьев Амударьи видно, что ее антропогенная трансформация повсеместно определяется комплексом факторов и вызываемых ими процессов, которые условно можно объединить в следующие группы: 1) естественные, вызывающие быстрые, иногда катастрофические смены растительного покрова; 2) антропогенно стимулированные (регулирование стока рек, мелиорация и т.п.), также иногда вызывающие катастрофические смены растительности или медленно протекающие, часто непредсказуемые вторичного засоления, заболачивание и опустынивание; 3) антропогенные, связанные непосредственно с хозяйственной деятельностью человека: выпас, распашка, техногенные воздействия, вызывающие как кратковременные, так и длительные нарушения растительного покрова. Эти группы факторов и процессов тесно взаимосвязаны, при этом факторы, относящиеся ко вторым и первым группам, являются как бы экологическим фоном, на котором протекают изменения, вызванные третьей группой факторов.

Последние, связанные непосредственно с хозяйственной деятельностью, значительно усугубляют негативные процессы, обусловленные первыми двумя группами, и оказывают сильное влияние на изменения направления векторов сукцессий древесно-кустарниковой растительности. На основе проведенных исследований установлены влияния основных факторов антропогенной трансформации тугайной растительности дельты Амударьи и их выраженность различных типов антропогенного влияния [2, 3, 4, 6, 7].

На сегодняшний день следует признать, что хозяйственная деятельность человека является

таким же неотъемлемым экологическим фактором, как рельеф, температура, влажность и т.д. Попытки рассматривать это воздействие в негативных оценках приводят к устойчивому противоречию между наукой и реальностью. Антропогенная трансформация — это свершившийся факт, и задача сравнительной флористики выявить географические закономерности специфики этого процесса и найти механизмы прогнозирования и управления ими, а не пытаться сохранить нетронутым и неизменным биоразнообразие там, куда человек пришел, чтобы остаться жить.

На основе проведенных исследований антропогенной трансформации древесно-кустарниковой растительности дельты Амударьи и литературным данным по степени антропогенной трансформации мы можем выделить четыре основные группы местообитаний:

- коренные (мало нарушенные); синантропизированные, антропогенные, вторичные;
- синантропизированные (частично сохранившие черты коренных сообществ, но претерпевшие существенные изменения в своей структуре);
- антропогенные (полностью преобразованные человеком);
- вторичные (преобразованные человеком, но через сукцессионный ряд вновь приобретающие черты коренных сообществ).

Каждый из указанных типов местообитаний характеризуется особыми механизмами трансформации.

Коренные сообщества, как правило, характеризуются высокой насыщенностью. Чем плотнее упакованы экологические ниши в сообществе, тем специфичней, стенотопней будут виды, его составляющие, и тем выше будет сопротивление инородным видам. Освобождающиеся в результате внешних воздействий или внутренних процессов места заполняются собственными фитоценологическими эксплорентами. Большинство синантропов гелиофиты, умеренные ацидофиты (вплоть до нейтрофитов), мезотрофы. Среди них редко встречаются гигро- и гидрофиты. Эти характеристики определяют особенности антропогенных местообитаний. Местообитания с резко отличающимися от них экологическими характеристиками, например, опустыненные участки более закрыты для экспансии синантропных видов. Разные фитоценозы обладают различной стойкостью к антропогенным воздействиям, но в любом случае для них харак-

терна высокая фитоценотическая сопротивляемость внешним воздействиям. Антропогенная трансформация, как правило, носит здесь «линейный» характер и затрагивает придорожные участки. Структура сообщества в целом не изменяется [2, 3, 5, 6].

Для синантропизированных местообитаний характерно достаточно сильное изменение условий обитания. Основным фактором, под влиянием которого обычно формируются синантропизированные местообитания, является рекреация. В первую очередь она сопровождается изменением эдафических условий, реже с режимами инсоляции. В этих условиях происходит изменение структуры флоры, из которой выпадают более стенопотные виды. В зияющие пустоты дыры ослабленной части фитоценоза устремляются собственные фитоценотические эксплеренты и синантропные виды. Несмотря на изменение почвенных условий (уплотнение, нарушение почвенной подстилки, некоторые нарушения химизма), местообитание в целом сохраняет характерные признаки. Нарушенный фитоценоз сохраняет своих доминантов и частично всё еще способен сопротивляться потоку растений извне. В случае прекращения воздействия сообщество достаточно быстро восстанавливается.

Антропогенные местообитания полностью преобразованы. В результате антропогенной деятельности первоначальный растительный и почвенный покров полностью изменен или уничтожен. На первых этапах освоения территорий «заселенцы» не испытывают сопротивления фитоценоза в принципе из-за отсутствия такового. В дальнейшем по мере зарастания местообитания сопротивление появляется, но упаковка экологических ниш остается неплотной. Фактически все растения, независимо от того, аборигены они или адвентики, по способу попадания на антропогенные местообитания являются заносными видами. Формирующаяся флора характеризуется большой подвижностью из-за постоянных нарушений, высокой мозаичности условий, непрекращающегося потока диаспор из самых разных источников. Лучший способ характеристики флоры подобных местообитаний – относительное динамическое равновесие. До тех пор, пока сохраняется иницирующее трансформацию воздействие, на антропогенных местообитаниях невозможно формирование климаксовых сообществ. Восстановительные сукцессии затруднены или невозможны [2, 3, 4, 6, 8].

В связи с этим оценку трансформации интразональной растительности необходимо проводить на экосистемном уровне, чтобы учесть взаимосвязь всех компонентов и выявить тренды развития негативных процессов.

Эти требования значительно усложняют интегральную оценку состояния гидроморфных экосистем и являются причиной слабой

разработки этого вопроса. На первых этапах оценки антропогенной трансформации необходимо установить стадии и ряды сукцессий, обусловленные действием природных и антропогенно стимулированных процессов, то есть выявить экологический фон, а затем произвести оценку по факторам существующей хозяйственной деятельности. Таким образом, интегральная оценка состояния древесно-кустарниковой растительности будет объединять общий кумулятивный эффект всех воздействий, вызывающих трансформацию [2, 3, 4, 7, 9].

Последовательность стадий антропогенной трансформации экосистем в следующем: 1) изменение условий местообитаний; 2) изменение в составе и структуре сообществ, элиминация, инвазия отдельных видов; 3) нарушение структуры почвенного профиля, развитие эрозионных процессов, активизация геохимических потоков; 4) нарушение ритмичности флуктуаций, изменение векторов природных сукцессий и ускорение их темпов; 5) нарушение биогеоценотической структуры и внутренних связей компонентов («стресс системы»), резкое усиление мозаичности и неоднородности растительного покрова; 6) изменение экологической стратегии видов и усиление дискретности границ; 7) нарушение механизма саморегуляции и самовосстановления сообществ и утрата их устойчивости; 8) формирование новых вторичных сообществ с доминированием репродукционно активных видов и их «фитоценотическая агрессия»; 9) формирование качественно новой упрощенной структуры, потеря биоразнообразия и утрата функциональной роли растительности; 10) нарушение принципа дополняемости видов и конвергенция сообществ на экосистемном и ландшафтном уровне, их условно стабильное динамическое состояние; 11) прогрессирующее развитие негативных процессов (опустынивание, засоление и т.п.).

В качестве общих критериев трансформации растительности для всех типов гидроморфных экосистем предлагается использовать четыре показателя: участие в сообществах сорных и пасквальных видов в % от общего покрытия травостоя; положение сообщества в ряду антропогенной трансформации растительности; снижение задернованности почвы в % от задернованности аналогичных фоновых участков; изменение экологической стратегии видов. Подчеркнута необходимость определения вклада каждого критерия при оценке состояния экосистем.

Таким образом, механизм трансформации интразональной тугайной растительности универсален, разные типы экосистем дельты Амударьи имеют свою специфику природной динамики. На ее основе строятся сукцессионные ряды антропогенной трансформации для каж-

дого типа экосистем. Ряды трансформации типизируются в обобщенный трехчленный ряд, каждая стадия которого характеризует

степень нарушенности растительности: фоновая или слабонарушенная → средненарушенная → сильно и очень сильнонарушенная.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бахиев А., Трешкин С.Е., Кузьмина Ж.В. Современное состояние тугаев Каракалпакстана и их охрана. - Нукус: Каракалпакстан, 1994. 72 с.
2. Березуцкий М.А., Кашин А.С. Антропогенная трансформация флоры и растительности. - Саратов: Наука, 2008. - 100 с.
3. Горчаковский П.Л. Антропогенные изменения растительности: мониторинг, оценка, прогнозирование // Экология, 1984. № 5. С. 3-16.
4. Ершова Э.А. Антропогенная динамика растительности юга Средней Сибири. Препринт.— Новосибирск, 1995. 53 с.
5. Мамутов Н.К. Ирригационные сукцессионные процессы в дельте Амударьи и их роль в формировании растительных сообществ. // Вестник ККО АН РУз №1, 2021. С.42-46.
6. Новикова Н.М., Конюшкова М.В., Тодерич К.Н., Шуйская Е.В., Мамутов Н.К., Реймов П.Р. Управление и мониторинг состояния природных ресурсов в аральской проблеме. // В сб.: Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов Южного Приаралья. - Нукус. 2018. С. 72-74.
7. Новикова Н.М., Кузьмина Ж.В., Мамутов Н.К. Опустынивание дельты Амударьи и динамика растительности в условиях Аральского кризиса // Аридные экосистемы. 2023. Том 29. № 4 (97). С. 4-20. DOI: 10.24412/1993-3916-2023-4-4-20.
8. Mamutov N.K. [New approach and methods of nature protection activity management in the Aral Sea region](https://doi.org/10.51582/interconf.19-20.02.2021.087)- Proceedings of the VIII INTECOL international congress of ecology, Seoul, 2002. P.176.
9. Mamutov N., Reymov P., Statov V., Khudaybergenov Y., Reymov M., & Orazbaev A. Indicative significance of micro-focal processes of the Amudarya delta territories for early detection of ecosystem transformation trends. Inter Conf, (42), (2021). P.866-875. <https://doi.org/10.51582/interconf.19-20.02.2021.087>

Amudaryo quyi oqimidagi daraxt-buta o'simliklarining antropogen o'zgarishi Mamutov N.K.¹, Uteniyazova U.J.²

¹Qoraqalpoq davlat universiteti, Nukus, ²Nukus davlat pedagogik instituti

Ishda to'g'ridan-to'g'ri va bilvosita antropogen cho'llanish sharoitida Amudaryo quyi oqimlarining asosiy o'simlik jamoalarini o'rganishda daraxt-buta o'simliklarining antropogen o'zgarishi bo'yicha tadqiqotlar natijalari keltirilgan. Amudaryo quyi oqimlarining Delta landshaftining antropogen o'zgarishi va ekotopik sharoitlarining o'zgarishi fonida, oziqlanish va allyuvial rejimlarning buzilishi munosabati bilan zamonaviy sharoitda landshaftlar dinamikasi tendentsiyalari o'rnatilgan asosiy daraxt-buta o'simlik jamoalari tuzilishining tubdan ketma-ket o'zgarishi mavjud. Shu bilan birga, turni tabiiy muhitdan, ya'ni u shakllangan tabiiy ekotizimdan tashqarida saqlab qolish mumkin emas, shuningdek, ishda Amudaryo deltasining daraxt-buta o'simliklarini antropogen transformatsiya qilish mezonini ishlab chiqilgan.

Антропогенная трансформация древесно-кустарниковой растительности низовьев Амударьи Мамутов Н.К.¹, Утениязова У. Ж.²

¹Каракалпакский государственный университет, Нукус, ²Нукусский государственный педагогический институт

В работе приводятся результаты исследований по антропогенной трансформации древесно-кустарниковой растительности при изучении основных растительных сообществ низовьев Амударьи в условиях прямого и косвенного антропогенного опустынивания. На фоне антропогенной трансформации и смены экотопических условий дельтового ландшафта низовьев Амударьи в связи с нарушением режимов поемности и аллювиальности происходит кардинальная сукцессионная смена структуры основных древесно-кустарниковых растительных сообществ, где установлены тенденции динамики ландшафтов в современных условиях. Между тем, невозможно сохранить вид вне его природного окружения, то есть той природной экосистемы, в которой он сформировался, а также в работе разработан критерий антропогенной трансформации древесно-кустарниковой растительности дельты Амударьи.

Anthropogenic transformation of tree and shrub vegetation of the lower reaches of the Amu darya Mamutov N.K.¹, Uteniyazova U.J.²

¹Karakalpak State University, Nukus, ²Nukus State Pedagogical Institute

The paper presents the results of studies on anthropogenic transformation of tree and shrub vegetation in the study of the main plant communities of the lower reaches of the Amu Darya under conditions of direct and indirect anthropogenic desertification. In the background of anthropogenic transformation and change in ecotopic conditions of the delta landscape of the lower reaches of the Amu Darya, in connection with the violation of the floodplain and alluvial regimes, a cardinal successional change in the structure of the main tree-shrub plant communities is taking place, where trends in landscape dynamics have been established under modern conditions. Meanwhile, it is impossible to preserve a species outside its natural environment, that is, the natural ecosystem in which it was formed, and the work also developed a criterion for the anthropogenic transformation of the tree and shrub vegetation of the Amu Darya delta.

ВЛИЯНИЕ ВНЕШНИХ ФАКТОРОВ СРЕДЫ НА ВИДЫ РОДА *ULMUS* L. НА ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ КАРАКАЛПАКСТАНА

Утегенов И.Б.¹, Отенов Т.², Гроховатский И.А.²

¹Каракалпакстанский институт сельского хозяйства и агротехнологий, г. Нукус

²Каракалпакский научно-исследовательский институт естественных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, г. Нукус

Введение. Экологический кризис в Приарале привел к резкому сокращению не только тугайных лесов, но и зеленых насаждений в городах и населенных пунктах республики.

С этой точки зрения проблема интродукции и акклиматизации растений имеет важное народнохозяйственное значение для Каракалпакстана, растительные ресурсы которой из-за аридности климата и солончаковых почв ограничены. Особый интерес представляет интродукционное изучение и освоение засухоустойчивых и солеустойчивых видов древесных растений из различных географических зон и районов.

Из числа таких древесных растений большой интерес представляют виды рода ильм (*Ulmus* L.).

Цель исследования: Изучение отношения видов рода *Ulmus* L. к низким зимним температурам, засухе и высокой температуре воздуха, устойчивости к вредителям и болезням на засоленных почвах Каракалпакстана.

Объекты и методы исследований. Наши исследования проводились в 2022-2023 годах в Ботаническом саду Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук ККО АН РУз (г. Нукус).

Объектами наших исследований служили растения 4-х видов ильма (*Ulmus* L.) различного географического происхождения: дальневосточный ильм приземистый – *U.pumila*; среднеазиатский ильм густой – *U.densa*; европейский ильм гладкий – *U.laervis*; ильм листоватый – *U.foliacea*.

Наблюдения над опытными растениями проводились по методике, принятой ботаническими садами СНГ и ботаническим садом АН РУз.

Результаты и их обсуждение

Отношение растений к засухе и высокой температуре воздуха. В условиях Каракалпакстана проводились исследования по 4 видам ильма. Самое жаркое и сухое лето в Нукусе за годы наблюдений было в 2022 и 2023 гг. Максимальная температура воздуха в июле 2022 г. была 43,7⁰С, в 2023 г. составила 42,8⁰С, в августе – 39,5⁰С, осадков не наблюдалось. Жара и сухость воздуха вызвали ожоги листьев у дальневосточных видов, кроме *U.pumila*. Кроме видовой устойчивости к жаре и сухости воздуха у ильмов есть еще и индивидуальная. Жаркое и сухое лето отрицательно сказывается на росте дальневосточных, европейских и среднеазиатских видов. Жаростойкими и вы-

носливыми к сухости воздуха являются все интродуцированные европейские и среднеазиатские виды.

Засуха существенно влияет на рост растений. Рост процесс динамичный, сложный, результат совокупности и взаимодействия многих физиологических процессов. Изменения роста в условиях засухи пропорциональны степени ее действия. Ответная реакция растений на данные факторы абиотической среды зависит от приспособления к их влиянию.

При изучении влияния засухи на рост растений необходимо также учитывать отличия в способности выносить обезвоживание. Большие типы растений состоят из различных эколого-физиологических групп, отличающихся по особенностям защитно-приспособительной реакции на засуху.

